


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 31 декабрь, № 277-278 (7779-7780) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Талант Мамитов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари бир-бирларини дилдан қутлаб, кириб келаётган янги 2021 йил муносабати билан самимий табриклар алмашдилар, дўст халқларга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этдилар.

**Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин** билан суҳбатда коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши билан боғлиқ мураккаб шароитда давлатларимиз пандемияга қарши курашиш, жаҳон иқтисодий ва эпидемиологик инқирози оқибатларини енгиб ўтишда бир-бирига ҳар томонлама ёрдамлашгани ва амалий кўмак кўрсатгани катта мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия вакцинасини ишлаб чиқариш бўйича кооперация имкониятлари фаол ўрганилмоқда.

Юзага келган вазият ва қийинчиликларга қарамай, барча даражалардаги фаол алмашинувлар давом эттирилди. Икки томонлама савдо кўрсаткичлари сезиларли ўсишига эришилди, саноат кооперацияси бўйича қатор йирик лойиҳалар ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурлари йўлга қўйилди.

Россия Федерацияси мамлакатимиз МДҲга биринчи бор муваффақиятли раислик қилишига ҳамда Ўзбекистон Республикасига Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақоми берилишига салмоқли кўмаклашди.

Суҳбат чоғида Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам қатъий интилишлари ва бу борада биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришларини тасдиқладилар.

Келгуси йил режасига киритилган икки ва кўп томонлама тадбирларга пухта тайёргарлик кўришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев** билан телефон орқали мулоқотда глобал хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган, жаҳон иқтисодиётида мураккаб вазият юзага келган бир шароитда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари барқарор ривожланишда давом этгани, сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойигани катта мамнуният билан қайд этилди.

Пандемияга қарши курашишда ўзаро ёрдам кўрсатилди. Фаол икки томонлама мулоқотлар, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма кооперация лойиҳалари давом этди, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайди.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди. Келгуси йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ўтказиш муҳим экани таъкидланди.

**Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов** билан суҳбатда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган глобал инқироз оқибатларига қарамай, якунига етаётган йилда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталарига, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига, ўхшаш тарих, маданий ва маънавий қадриятлар муштараклигига асосланган стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда салмоқли натижаларга эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари 2021 йилда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма режаларни, шунингдек, икки томонлама алоқалар ва халқаро тузилмалар, аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги бўлажак тадбирлар режасини атрофлича кўриб чиқдилар.

Президентлар савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, келгуси йилда ишбилармонлик ва маданий тадбирларга бой дастурни амалга оширишга келишиб олдилар.

Янги йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

**Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев** билан телефон орқали мулоқотда ўтаётган йилнинг барча хатар ва қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг изчил ривожланиши таъминлангани алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни, жумладан, савдо портфелини янада кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва энергетика соҳаларида алоқаларни чуқурлаштириш лозимлигини қайд этдилар.

Ҳудудлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш, маданий-гуманитар алмашинувнинг кенг дастурини амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Президентлар, шунингдек, минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашиб, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентига 2021 йилда Евроосиё иқтисодий иттифоқига муваффақиятли раислик қилишини тилади.

**Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон** билан икки томонлама алоқалар ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг биринчи галдаги вазифалари белгиланди.

Барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш, жумладан, товар айирбошлашни кўпайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди.

Давлат раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар. Мамлакатимиз етакчиси биродар Тожикистон Президентига 2021 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раисликда муваффақият тилади.

**Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Талант Мамитов** давлатимиз раҳбарига коронавирус пандемиясига қарши курашда кўрсатилган катта кўмак ва амалий ёрдам, жумладан, Қирғизистон ҳудудларида мобиль тиббиёт марказларини қуриш лойиҳалари амалга оширилгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали шериклик алоқаларини изчил мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлиги кун тартибидаги муҳим масалаларни, энг аввало, саноат кооперацияси, савдо, иқтисодиёт ва минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантириш чораларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил бошида Қирғизистондаги муҳим ички сиёсий тадбирларни ўтказишда муваффақият тилади.

Телефон мулоқотлари ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 4 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–599-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12–сонга 1-илова) **6-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган, тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага, шунингдек уларни олиб киришга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12–сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **72-модданинг**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ ставкалари ушбу Кодекс билан белгиланади. Акциз солиғининг ставкалари, маҳсулот нархи динамикасидан ва уни реализация қилиш, шу жумладан импорт қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

(Давоми 2, 3-бетларда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

## А Х Б О Р О Т

**2020 йил 30 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат Раиси давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида барча соҳалар қамраб олинганлиги, ҳар бир йўналиш бўйича вазифалар аниқ белгиланганини таъкидлади. Мазкур вазифалар негизида халқ фаровонлигини таъминлаш, аҳоли муаммоларини зудлик билан бартараф этиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш турибди. 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номлаш таклифи халқимиз томонидан иштиёқ билан кутиб олинди.

Бугунги кунда аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади, шунинг учун уларнинг саломатлиги, камолоти, тарбияси ва таълим олишига катта эътибор берилмоқда. Мурожаатномада комплекс ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига тўхталиб ўтилди. Биринчи марта ногиронлиги бўлган болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилди.

6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил **1 февралдан** бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори **1,1 баробарга оширилсин**.

2021 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — **ойига 747 300 сўм**;

базавий ҳисоблаш миқдори — **245 000 сўм**;

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. **2021 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган **2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози**нинг бажарилиши юзасидан барча зарур чораларни кўрсин.

(Давоми 5-бетда).



## БАЙРАМ БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

*Пойтахтимизда “Президент арчаси” байрам тадбири карантин қоидаларига қатъий риоя этилгани ҳолда, кўтаринки руҳда ташкил қилинди.*

### Президент арчаси

Гарчи байрамга фақат Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилган бўлса-да, бу тадбирни мамлакатимиздаги барча болажонлар ҳам ойнаи жаҳон орқали масофавий тарзда кўриши учун имконият яратилди. Томошалар болаларга бир олам қувонч, унутилмас таассуротлар улашди.

Хусусан, турфа рамзлар, ишоралар, тимсолларга бой бўлган “Эртаклар карнавали” томошаси эртамиз эгаларини соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришга, тозалик, озодалик, жисмоний фаол турмуш тарзининг аҳамиятини англашга чорлагани билан эсда қоларли бўлди.

“Томоша” болалар театр-студияси томонидан тайёрланган ушбу байрам дастури Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Болажон”, “Ёшлар” телеканаллари томонидан ташкил этиладиган Янги йил телемарафони доирасида намойиш қилинади.

**«Халқ сўзи».**

### Қуйи палата фракциясида

## МУРОЖААТНОМА — МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда фракция аъзолари, ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда Президентимизнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган партия ҳамда унинг фракцияси олдидаги устувор вазифаларни изчил амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, Мурожаатномада кўплаб масалалар қатори тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилиши айтиб ўтилди. Чунки пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан тенг ҳисса қўшди.

6

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси:

## «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

*Куни кеча Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномаси — бу давлатимизга, халқимизга, барча даражадаги ижро органларига йўлланган мурожаат, айни чоғда кенг жамоатчилик билан мулоқот бўлди, деб айтишимиз мумкин. У аниқ-тиниқ таклифлар ҳамда ҳисоб-китобли ва чуқур таҳлилларга асосланган манзилли чора-тадбирларга бойлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.*



Мурожаатномада дастлаб якунига етаётган йилимиз нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳолиси учун оғир ва синовларга бой кечаётганига алоҳида урғу берилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офат билан курашмоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам бу кўринмас “офат”га қарши кескин чоралар кўрилди ва кўрилмоқда. Пандемиянинг илк кунлариданоқ бутун бошқарув тизими ва тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Эътиборлиси, қисқа фурсатларда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилиб, улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва замонавий диагностика воситалари билан тўлиқ таъминланди. Пандемияга қарши кураш ишларига 200 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари, шу жумладан, 150 нафар чет эллик юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилгани коронавирусни жиловлаш имконини берганлигини айтиш зарур.

Бу ҳаммаси эмас. Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлашга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Қолаверса, давлат корхоналари ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари берилиб, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилдики, бу саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг самарасини беряпти.

6

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 4 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **24-модда**:

**биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозларини маълумот учун қабул қилиш;

вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш;

тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш»;

**тўртинчи – ўн саккизинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи – йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

(Давоми 3, 4, 5-бетларда).

## Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ

# «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **75-модда** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари туристик зоналарда жойлашган алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ер участкаларига нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш ёки солиқ тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эга»;

3) **243-модда биринчи қисми**:

**15-бандининг «а» кичик банди** «(бундан такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно)» деган сўзлардан кейин «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**23-бандидаги** «агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса» деган сўзлар «агар уларни солиқдан озод этиш қонунда назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **246-модданинг**:

**3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда – бошқа ташкилотлар ва шахслар йўналишлари бўйича хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) учун олиб кириладиган товарлар»;

**9-бандидаги** «агар қарзга доир битимда бу товарлар олиб кирилаётганда солиқдан озод этилиши назарда тутилган бўлса» деган сўзлар «агар улар олиб кирилаётганда солиқдан озод этилиши қонунда назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **259-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак ҳисобланади»;

6) **283-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали» деган сўзлар «газни газ тўлдириш станциялари ва газ тўлдириш пунктлари орқали» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **284-модда иккинчи қисми**:

**4-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса» деган сўзлар «агар улар олиб кирилаётганда солиқдан озод этилиши қонунда назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташқари) маҳсулотларига»;

8) **289-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«289-модда. Солиқ ставкалари**

Солиқ ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлақ суммада (қатъий белгиланган), шунингдек адвалор ва қатъий белгиланган солиқ ставкаларини ўз ичига олган аралаш ставкада белгиланади»;

9) қуйидаги мазмундаги **$289^{1}$**, **$289^{2}$** ва **$289^{3}$-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«$289^{1}$-модда. Тамаки маҳсулотларига доир солиқ ставкалари**

Тамаки маҳсулотларига солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Тамаки маҳсулотлари турлари | Солиқ ставкалари | |
|---|---|---|---|
| | | импорт қилинганда | ишлаб чиқариладиган |
| 1. | Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек | 400 000 сўм/ 1 000 дона + 10 фоиз | 2021 йил 1 январдан: 163 500 сўм/1000 дона + 9 фоиз<br>2021 йил 1 февралдан: 172 000 сўм/1000 дона + 10 фоиз<br>2021 йил 1 октябрдан: 185 000 сўм/1000 дона + 10 фоиз |
| 2. | Сигара | 4 700 сўм/1 дона | |
| 3. | Чилим учун тамаки | 280 000 сўм/кг | |
| 4. | Чекиладиган, ўрама тамаки | 280 000 сўм/кг | |
| 5. | Чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган тамаки | 280 000 сўм/кг | |
| 6. | Қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар | 280 000 сўм/кг | |
| 7. | Никотинли тамакисиз снюс | 112 000 сўм/кг | |
| 8. | Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картриджларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда) | 500 сўм/мл | |

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси натура ифодаланган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига нисбатан қўлланилади, акциз солиғининг адвалор солиқ ставкаси ишлаб чиқарувчининг акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан қўлланилади. Товар импортида адвалор солиқ ставкаси божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланадиган божхона қийматига нисбатан қўлланилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3–6-бандларида солиқ ставкаси тамаки маҳсулотидаги тамаки хом ашёси массасига нисбатан тамаки хом ашёси массаси тўғрисидаги ахборотни истеъмол қадоғида (идишда) кўрсатиш шарти билан қўлланилади. Агар чилим учун тамаки бўйича тамаки хом ашёси массаси нетто оғирлигининг 20 фоиздан камни ташкил этган тақдирда, у ҳолда акциз солиғи нетто оғирлигининг 20 фоизидан ҳисоблаб чиқарилади. Истеъмол қадоғида (идишида) тамаки хом ашёсининг оғирлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ставкаси нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида солиқ ставкаси товарнинг нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади, бунда истеъмол қадоғининг (пластик банканинг, картон қутисининг ва шу кабиларнинг) оғирлиги ҳисобга олинмайди. Истеъмол қадоғида (идишида) товарнинг оғирлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ставкаси истеъмол қадоғини (идишини) ҳисобга олган ҳолда нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади.

**$289^{2}$-модда. Алкоголь маҳсулотларига доир солиқ ставкалари**

Алкоголь маҳсулотларига солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Алкоголь маҳсулотлари турлари | Солиқ ставкалари | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | импорт қилинганда | ишлаб чиқариладиган (1 дал тайёр маҳсулот учун) | | |
| | | | 2021 йил 1 январдан | 2021 йил 1 февралдан | 2021 йил 1 октябрдан |
| 1. | Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси | 70% | 10 800 сўм | 12 500 сўм | 13 500 сўм |
| 2. | Арoқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари | 50 000 сўм/ 1 литр учун | 98 000 сўм | 116 400 сўм | 125 100 сўм |
| | ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган арoқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари | 70 000 сўм/ 1 литр учун | 162 700 сўм | 192 300 сўм | 206 700 сўм |
| 3. | Вино: | | | | |
| | табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда) | 35 000 сўм/ 1 литр учун | 7 700 сўм | 8 300 сўм | 8 700 сўм |
| | бошқа винолар, шу жумладан вермут | 50 000 сўм/ 1 литр учун | 14 500 сўм | 16 800 сўм | 18 000 сўм |
| 4. | Пиво | 50%, бироқ 1 литр учун/ 15 000 сўмдан кам бўлмаган | 10 600 сўм | 11 700 сўм | 12 600 сўм |

**$289^{3}$-модда. Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга доир солиқ ставкалари**

Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Товарлар (хизматлар) номи | Солиқ ставкаси | |
|---|---|---|---|
| | | 2021 йил 1 январдан | 2021 йил 1 февралдан |
| 1. | Нефть маҳсулотлари: | | |
| | Аи-80 | 200 000 сўм/тонна | 240 000 сўм/тонна |
| | Аи-90 ва ундан юқори | 250 000 сўм/тонна | 275 000 сўм/тонна |
| | авиакеросин (синтетикдан ташқари) | 180 000 сўм/тонна | 200 000 сўм/тонна |
| | дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари) | 200 000 сўм/тонна | 240 000 сўм/тонна |
| | ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари) | 180 000 сўм/тонна | 216 000 сўм/тонна |
| | дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи | 280 000 сўм/тонна | 340 000 сўм/тонна |
| 2. | Полиэтилен гранулалар | 20% | |
| 3. | Табиий газ, шу жумладан экспорт | 20% | |
| 4. | Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ (бундан «Ҳудудгазтаъминот» АЖ орқали аҳолига сотиладиган ҳажмлар мустасно), шу жумладан экспорт | 30% | |
| 5. | Якуний истеъмолчига сотиладиган: | | |
| | бензин | 1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 378 480 сўм | 1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 465 530 сўм |
| | дизель ёқилғиси | 1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 346 275 сўм | 1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 425 918 сўм |
| | суюлтирилган газ | 1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 540 645 сўм | 1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 665 493 сўм |
| | сиқилган газ | 1 куб метр учун 435 сўм | 1 куб метр учун 500 сўм |
| 6. | Мобиль алоқа хизматлари | 15% | |
| 7. | Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар | 20% | |

Ушбу модда биринчи қисмининг 2, 3, 4 ва 6-бандларида солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) белгиланган, ва мазкур товарларни олиб киришда қўлланилмайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган олиб кирилган (импорт қилинган) акциз тўланадиган товарларни ўз эхтиёжлари учун ишлатилганда, солиқ тўловчилари бўлиб ушбу товарларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришни амалга оширган шахслар эътироф этилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида белгиланган солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакарга қўлланилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига шакар хом ашёсини олиб киришга акциз солиғи солинмайди»;

10) **306-модда**:

**иккинчи қисмининг 11-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) ушбу Кодекс 304-моддасининг 8, 9, 14, 15 ва 17-бандларига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган), шунингдек солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги натижасида бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган) мол-мулк»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар мазкур модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Амортизацияланадиган активларнинг бошланғич қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ солиқ тўловчи томонидан капитал қўйилмалар амалга оширилган тақдирда ўзгаради.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан солиқ тўловчида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияланадиган активлар қиймати солиқ солиш мақсадида бошланғич қиймат ҳисобланади.

2021 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаш амалга оширилганда, бундай қайта баҳолаш натижаси амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун ҳисобга олинмайди»;

**бешинчи – ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи – ўн еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) **340-модданинг ўн биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳар ойлик бўнак тўловини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Бунда солиқ тўловчи келгуси чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар жорий чоракда кутилаётган фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга. Кутилаётган фойда суммаси асоссиз камайтириб кўрсатилган тақдирда солиқ органлари солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган солиқ бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритишга ҳақли»;

12) **365-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 392-моддасида белгиланган тартибда солиқни қатъий белгиланган миқдорда тўлаш хоҳишини билдирган якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиққа тортиш объекти бўлиб амалга оширилаётган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлар ҳисобланади»;

13) **383-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«383-модда. Қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ ставкалари**

Қатъий белгиланган миқдорларда солиқни тўловчи жисмоний шахслар учун солиқ ставкаси қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Фаолият тури | Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Тошкент шаҳри | Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар | бошқа шаҳарлар | бошқа аҳоли пунктлари |
| 1. | Чакана савдо: | | | | |
| | озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан | 750 000 | 600 000 | 300 000 | 200 000 |
| | деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан | 250 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| | газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан | 250 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| 2. | Маиший хизматлар | 250 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| 3. | Бошқа фаолият турлари | 225 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| 4. | Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари: | | | | |
| | 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 150 000 | | | |
| | 3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 225 000 | | | |

Солиқ тўловчи:

бир нечта фаолият тури билан шуғулланганида, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлайди, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўланади;

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналарда ва бинода амалга оширган тақдирда, яшаш жойидаги солиқ органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этишга мажбур;

I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганида фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди;

«Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва ҳунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширганида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлашдан озод этилади;

болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатса, ҳар бир жиҳозланган жой (бирлик) учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинган даромадларига ушбу Кодекснинг 381-моддаси биринчи қисмида белгиланган ставкада солиқ солинади.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларига фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларига, шунингдек фаолият амалга ошириладиган турларининг мавсумийлиги қараб 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар белгилашга ҳақли»;

14) **385-модда**:

**учинчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолинади»;

15) **408-модда**:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

2) якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан (бундан буён матнда якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари деб юритилади) — ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида;

3) фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан — ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари томонидан (бундан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) — ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида;

4) қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ҳунармандчилик фаолияти субъектлари томонидан ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида мажбурий тартибда тўланади.

Меҳнат стажи ҳисобланиши учун ўзини ўзи банд қилган шахслар, меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида ихтиёрий тартибда, қуйидаги солиқ тўловчилар томонидан эса мажбурий тартибда тўланади:

«Уста-шогирд» мактаблари ўқувчилари – улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврда;

деҳқон хўжаликлари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд эллик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришлаётган жисмоний шахслар. Бунда деҳқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди»;

**тўртинчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан – ҳар ойда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан – ҳисобот йилининг 1 декабригача амалга оширилади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади»;

**ўн биринчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқни ушбу Кодекснинг 405-моддасида кўрсатилган солиқ ставкалари бўйича жами йиллик даромад тўғрисида декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар суммасидан келиб чиқиб, бироқ ушбу моддада белгиланган унинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида тўлашга ҳақли. Бунда тўланиши лозим бўлган солиқнинг узил-кесил суммаси ушбу модданинг биринчи — бешинчи қисмларига мувофиқ тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади».

16) **414-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш (бундан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари мустасно), жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектларининг»;

17) **415-модданинг тўртинчи қисми биринчи хатбошидаги** «0,2 фоиз» деган сўзлар «0,4 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **419-модданинг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар»;

19) **422-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Солиқ солиш объектлари | Солиқ ставкалари (фоизларда) |
|---|---|---|
| 1. | Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (бундан умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлганлари мустасно), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар | 0,23 |
| 2. | Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони: | |
| | 200 кв.м дан ва 500 кв.м га қадар бўлганлари | 0,3 |
| | 500 кв.м дан ортиқ бўлганлари | 0,4 |
| 3. | Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари | 0,3 |
| 4. | Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари | 2 |

»;

20) **426-модда иккинчи қисмининг**:

**4-бандидаги** «дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**11-бандидаги** «маиший чиқиндилар» деган сўзлар «маиший, қурилиш ва бошқа чиқиндилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **427-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса – ер участкасининг умумий майдони» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) **428-модда иккинчи қисмининг**:

**иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«маданият, таълим, соғлиқни сақлаш (бундан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари банд қилган ерлар мустасно) ва ижтимоий таъминот объектлари эгаллаган ерлар;

спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-машқ базалари ва болалар-соғломлаштириш оромгоҳлари эгаллаган ерлар»;

**саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерлар – сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси асосида берилади. Агарда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади»;

23) **429-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Республика ҳудудлари | 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда) |
|---|---|
| Тошкент шаҳри | |
| 1 зона | 208,2 |
| 2 зона | 166,5 |
| 3 зона | 124,9 |
| 4 зона | 83,3 |
| 5 зона | 41,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 26,2 |
| Андижон вилояти | 33,0 |
| Бухоро вилояти | 26,7 |
| Жиззах вилояти | 26,7 |
| Қашқадарё вилояти | 26,7 |
| Навоий вилояти | 26,7 |
| Наманган вилояти | 33,0 |
| Самарқанд вилояти | 33,0 |
| Сурхондарё вилояти | 23,5 |
| Сирдарё вилояти | 20,8 |
| Тошкент вилояти | 27,6 |
| Фарғона вилояти | 26,7 |
| Хоразм вилояти | 26,7 |

»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларининг аниқ миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари, ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ ставкаларига, Тошкент шаҳри учун эса – ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади.

Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари ҳар йили жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этади. Ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органлари ушбу солиқ ставкаларини беш кун ичида солиқ тўловчиларга маълумот учун етказишлари керак»;

**иккинчи – ўн биринчи қисмлар** тегишинча **тўртинчи – ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади»;

**бешинчи қисм биринчи хатбошидаги** «0,1 коэффициент» деган сўзлар «0,25 коэффициент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмдаги** «учинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин»;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**ўн биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган майдонлар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, самарали фойдаланилмаётган балиқ етиштириш (ўстириш) учун мўлжалланган сунъий сув ҳавзалари жойлашган ер участкаларига нисбатан қонунчиликда оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Бундай ер участкаларига солиқ имтиёзлари татбиқ этилмайди»;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган конлар ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади»;

24) **431-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кўп квартирали уйларда жойлашган турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган ер участкалари бўйича солиқ турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектининг қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади»;

25) **434-модда биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги ва жамоа гаражлари эгаллаган ер участкалари»;

26) **435-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ базаси ушбу Кодекс 428-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қиймати»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмдаги** «якка тартибдаги гаражлар» деган сўзлар «якка тартибдаги ва жамоа гаражлари» деган сўз билан алмаштирилсин»;

27) **437-модданинг**:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно):

| Республика ҳудудлари | 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда) |
|---|---|
| Тошкент шаҳри | |
| 1 зона | 1193,6 |
| 2 зона | 1013,2 |
| 3 зона | 832,6 |
| 4 зона | 652,3 |
| 5 зона | 471,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 245,0 |
| Андижон вилояти | 297,6 |
| Бухоро вилояти | 245,0 |
| Жиззах вилояти | 245,0 |
| Қашқадарё вилояти | 245,0 |
| Навоий вилояти | 245,0 |
| Наманган вилояти | 297,6 |
| Самарқанд вилояти | 297,6 |
| Сурхондарё вилояти | 221,6 |
| Сирдарё вилояти | 191,8 |
| Тошкент вилояти | 252,2 |
| Фарғона вилояти | 245,0 |
| Хоразм вилояти | 245,0 |

Солиқ ставкаларини аниқ миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ ставкаларига Тошкент шаҳри учун эса – ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари ҳар йили жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади»;

**учинчи – еттинчи қисмлар** тегишинча **бешинчи – тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахсларга якка тартибдаги турар жой қуриш ва ободонлаштиришга берилган томорқа ер участкаларига якка тартибдаги уй-жой қуришга берилган ер участкалари учун белгиланган ставка қўлланилади»;

28) **439-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича эса – қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқловчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кўп квартирали уйларда жойлашган турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган ер участкалари бўйича солиқ турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектининг қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади»;

29) **442-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари»;

30) **444-модданинг**:

**тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида, сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга, деҳқон хўжаликлари бўйича эса – ҳисобот даври учун келгуси йилнинг 20 январидан кечиктирмай сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш жойи бўйича солиқ органларига – солиқ базасини аниқлаш учун улар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажмини тақдим этади.

Деҳқон хўжаликлари учун солиқ базаси солиқ органлари томонидан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган тақдим этган маълумотлар асосида аниқланади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи**, **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи балиқчилик хўжаликлари солиқ базасини табиий ва сунъий сув объектларидан олинган ва ушбу сув объектларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб қуйиладиганлар мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайдилар.

Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқ етиштиришда сув ресурсларини ҳисобга олиш воситалари мавжуд эмаслиги ва фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, солиқ базаси сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган сув ресурслари истеъмолининг нормативларига кўра аниқланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида сувни махсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун ишлатадиган солиқ тўловчилар солиқ базасини табиий сув объектларидан махсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун олинган ва табиий сув объектларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Ушбу норма сувнинг ҳақиқий ҳисоби ёки сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома мавжуд бўлганда қўлланилади»;

**ўн биринчи** ва **ўн иккинчи қисмлари** тегишинча **ўн тўртинчи** ва **ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлашлари шарт»;

31) **445-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объекти | 1 куб. м учун солиқ ставкаси (сўмда) | |
|---|---|---|---|
| | | ер усти сув ресурслари манбалари | ер ости сув ресурслари манбалари |
| 1. | Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2–6-бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар | 182 | 221 |
| 2. | Саноат корхоналари | 472 | 564 |
| 3. | Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари | 70 | 90 |
| 4. | Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари | 40 | 40 |
| 5. | Автотранспорт воситаларини ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажми | 1 990 | 1 990 |
| 6. | Алкоголсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми | 25 185 | 25 185 |

»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган солиқ ставкаси 0,7 камайтирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сув ҳажмига қўлланилади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлар** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

32) **452-модда иккинчи қисмининг**:

**81**, **82** ва **83 қаторлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | |
|---|---|
| Қурилиш қуми | 5, бироқ 7 500 сўм/куб. м дан кам бўлмаган |
| Қум-шағал аралашмаси | 5, бироқ 7 500 сўм/куб. м дан кам бўлмаган |
| Қумтошлар | 5, бироқ 7 500 сўм/куб. м дан кам бўлмаган |

»;

**85** ва **86 қаторлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | |
|---|---|
| Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари) | 5, бироқ 7 500 сўм/куб. м дан кам бўлмаган |
| Қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари) | 5, бироқ 7 500 сўм/куб. м дан кам бўлмаган |

»;

33) **461-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9** ва **10-бандлар** билан тўлдирилсин:

«9) алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шахобчаларига;

10) бозорларга ва савдо комплексларига»;

34) **467-модданинг:**

**6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | |
|---|---|---|
| 6. | Суғурта агентлари, шунингдек суғурта, қимматли қоғозлар бозори ва товар-хомашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар, шунингдек риэлторлик фаолиятини амалга оширувчи кўрсатувчи шахслар. | 13 |

»;

**9.2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | |
|---|---|---|
| 9.2. | жойлашган жойидан қатъи назар, тамаки маҳсулотлари реализациясидан товар айланмаси бўйича: | 4 |

»;

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 декабрь
№ ЎРҚ—659

---

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **25-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга бюджет сўровини тузиш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди»;

**тўртинчи – ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи – ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **$175^{6}$-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**$175^{6}$-модда. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш**

Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **$175^{7}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$175^{7}$-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш**

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «$175^{6}$» рақамидан кейин «$175^{7}$» рақами билан тўлдирилсин;

4) **$245^{6}$-модданинг биринчи қисми** «$175^{2}$» рақамидан кейин «$175^{7}$» рақами билан тўлдирилсин;

5) қуйидаги мазмундаги **$264^{2}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$264^{2}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари**

Ушбу Кодекснинг $175^{6}$-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда**:

**еттинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**бюджет маблағларини тақсимловчи** – биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи";

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи** ва **ўн еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«**Давлат бюджетининг бирламчи профицити** – муайян давр учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда ҳисобланадиган Давлат бюджети профицити;

**Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги** – муайян давр учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда ҳисобланадиган Давлат бюджети тақчиллиги»;

**ўн олтинчи – қирқ олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн саккизинчи – қирқ саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **қирқ иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**Ягона ғазна ҳисобварағи** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган миллий ёки чет эл валютасидаги махсус банк ҳисобварағи»;

**қирқ иккинчи – қирқ саккизинчи хатбошилари** тегишинча **қирқ учинчи – қирқ тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **26-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади»;

**тўққизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

3) **27-модда**:

**биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозларини маълумот учун қабул қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади»;

**тўртинчи хатбошиси еттинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

4) **28-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга бюджет сўровини тузиш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

5) **29-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи – ўн биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ўрта муддатли бюджетни тайёрлаш жараёнини икки босқичда (тузиш ва тайёрлаш) амалга ошириш бўйича ягона услубий қўлланмалар тўпламини (циркулярни), шунингдек Давлат бюджетини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини етказиш ҳамда қайта кўриб чиқиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг таклифлари асосида Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг таклифлари асосида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маъқуллаш учун киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича тавсиялар юборади»;

**еттинчи – йигирма тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **ўн иккинчи – ўттиз тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

6) **45-моддадаги** «(бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **46-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари»;

**тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

8) **51-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари:

1) белгиланган нормативларга мувофиқ:

фойда солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

акциз солиғи;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ мустасно);

2) божхона божлари;

3) қўшилган қиймат солиғи;

(Давоми 4, 5-бетларда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 3-бетларда).

4) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадлар жумласига қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари, компенсация тўловлари, жарима санкциялари ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан олинган даромадлар, мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент бўлган юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини, чет давлатларга берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) мустасно, маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган маҳсулотдаги давлат улуши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ва бошқа даромадлар киради»;

9) **52-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари:

1) белгиланган нормативларга мувофиқ:

фойда солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

акциз солиғи;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ мустасно).

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

3) мол-мулк солиғи;

4) ер солиғи;

5) қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

6) айланмадан олинадиган солиқ;

7) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

8) автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

9) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадларга қонунчиликка мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан олинган даромадлар, давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тушадиган айрим солиқлар ва бошқа даромадлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва тартибда тақсимланиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа даромадлар белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин»;

10) **71-модданинг биринчи қисми**:

**1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «тиббий ташхис қўйиш ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини» деган сўзлар «тиббий ташхис қўйиш марказларини ҳамда ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-банди**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларнинг аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларининг ўрнини қоплаш харажатлари»;

**олтинчи хатбошиси еттинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан, шунингдек давлат органларининг ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари»;

қуйидаги мазмундаги **$6^2$-банд** билан тўлдирилсин:

«$6^2$) давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари»;

11) **72-модданинг 1-банди**:

**учинчи хатбошисидаги** «пунктларини» деган сўз «пунктларини, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, шунингдек табиий офатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш харажатлари»;

12) **73-модданинг учинчи қисмидаги** «макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **85-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет сўровини тузиш тартиби Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

14) **88-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ва вазифаларини» деган сўзлар «вазифаларини, сифат ва миқдор кўрсаткичларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **90-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«90-модда. Ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни ишлаб чиқиш тартиби**

Ўрта муддатли давр учун фискал стратегия (бундан буён матнда Фискал стратегия деб юритилади):

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

солиқ ва бюджет сиёсатининг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишларини;

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатларининг солиқ-бюджет сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари даромадлари прогнозини ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжалларни;

келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари харажатлари прогнозини ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжалларни;

Давлат бюджетининг бирламчи профицити ёки бирламчи тақчиллиги прогнозларини;

фискал таваккалчиликлар таҳлилини ўз ичига олади.

Фискал стратегияни ишлаб чиқиш учун:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан – ҳар йили 15 апрелга қадар ўрта муддатли давр учун камида иккита сценарийдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозининг дастлабки баҳоси;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан – ҳар йили 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлат дастурлари асосида ўрта муддатли даврда амалга ошириладиган, шунингдек тугаш муддати келган тадбирлар рўйхати ҳисобга олинган ҳолда зарур бўлган маблағлар, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар тўғрисидаги дастлабки таклифлар;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – ҳар йили 1 майга қадар навбатдаги ўрта муддатли давр учун давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар прогнозлари ва харажатларнинг дастлабки миқдорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлат дастурлари асосида келгуси ўрта муддатли даврда амалга ошириладиган, шунингдек тугаш муддати келган тадбирларнинг бажарилишини зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг дастлабки миқдорлари бўйича таклифлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан – ҳар йили 1 майга қадар даромадлар прогнозлари, харажатларнинг (жорий харажатлар ҳамда объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар) дастлабки миқдорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг дастлабки миқдорлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, шунингдек идоралар томонидан – ҳар йили 15 майга қадар амалдаги солиқ-бюджет сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли давр учун Давлат бюджетига солиқ ва божхона тушумларининг прогнозлари бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Фискал стратегияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келгусидаги ўрта муддатли давр учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорларини белгилайди.

Фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади»;

16) қуйидаги мазмундаги **$90^1$** ва **$90^2$-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«$90^1$-модда. Фискал стратегияни тасдиқлаш**

Келгуси йил учун янгиланган Фискал стратегия:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 1 июнига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг 15 июнига қадар муҳокама қилинади ва тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига маълумот учун киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

**$90^2$-модда. Давлат бюджетини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказиш тартиби**

Фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йили учун:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағларини олувчиларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини, шунингдек объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини, шунингдек объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорларини;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертларнинг чекланган миқдорларини етказади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари беш иш куни ичида тегишли бюджетларнинг бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга – келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини олганидан кейин уч иш куни ичида тегишли бюджетларнинг бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари тегишли бюджетларнинг бюджет сўровларини тузиш ва уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш ҳақидаги қарорларни олганидан кейин келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга етказади»;

17) **91-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет сўровларини кўриб чиқиш:

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича – туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари лойиҳалари бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар тасарруфидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича – тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қуйидагиларни кўриб чиқади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича бюджет сўровларини;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича умумлаштирилган бюджет сўровларини»;

18) **92-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Келгуси йил учун бюджет сўровлари жорий йилнинг 1 августига қадар:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли молия органларига;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ҳамда жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига – жорий йилнинг 15 августига қадар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга – жорий йилнинг 20 августигача тақдим этади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгусидаги ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг янгиланган прогнози бўйича тайёрланган таклифлар асосида қуйидагиларга:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг келгуси молия йили учун объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларининг чекланган миқдорларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларига;

Давлат мақсадли жамғармаларига келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларига ўзгартиришлар киритади.

Бюджет сўровларини кўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет сўровлари олинганидан кейин бир ой муддатда қуйидагиларга билдиришномалар юборади:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга – келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларига киритилган ўзгартиришлар, амалга ошириш учун асослар мавжуд бўлмаган, ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги паст бўлган, бюджет даромадларининг тегишли ўсиши билан таъминланмаган харажатларни камайтириш тўғрисида, шунингдек бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари пасайган ҳолларда харажатларни мақбуллаштириш ҳақида;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга – тегишли бюджетларнинг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ҳамда харажатларининг прогнозлари асоссиз равишда пасайтирилган ёки оширилган ҳолларда мазкур прогнозларга тузатиш киритиш ҳақида, шунингдек бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларига киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисида.

Бунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, шунингдек объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ҳамда жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ёзма билдиришномаларини олганидан кейин уч иш куни ичида мазкур ёзма билдиришномаларда кўрсатилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда янгиланган бюджет сўровларини тақдим этиши шарт»;

19) **93-модда биринчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «25 июнидан» деган сўзлар «25 июлидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «1 июлидан» деган сўзлар «1 августидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **94-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан:

даромадлар бўйича – Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ инспекциялари, ҳокимликларнинг бўлимлари ва давлат бошқаруви органларининг бошқа туман ҳамда шаҳар бўлинмалари томонидан маъмурий-ҳудудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида;

харажатлар бўйича – туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари асосида ишлаб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан:

даромадлар бўйича – Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ бошқармалари ва ҳокимликларнинг бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларининг бўлинмалари томонидан маъмурий-ҳудудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида;

харажатлар бўйича – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари ҳамда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган айрим тадбирлар учун харажатларнинг прогноз қилинаётган ҳажми асосида ишлаб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларини сотиб олиш, шунингдек коммунал хизматлар харажатларини назарда тутган ҳолда шакллантиради»;

21) **95-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «бюджет маблағларини» деган сўзлар «биринчи даражали бюджет маблағларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **96-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозини;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

янгиланган Фискал стратегияни;

прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ҳамда харажатларининг лойиҳасини ва келгуси икки йил учун бюджет мўлжалларини;

соҳалар бўйича ривожланишнинг асосий йўналишлари, мақсадлари, вазифалари, сифат ва миқдор кўрсаткичларини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинадиган қарз маблағларининг йиллик чекланган миқдорини»;

23) **99-модда биринчи қисмидаги** “кучга киргандан” деган сўзлар “расмий эълон қилингандан” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **100-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун расмий эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бериладиган бюджетлараро трансфертлар ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига – уч иш куни ичида;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини уларнинг эътиборига – уч иш куни ичида;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар учун белгиланган даромадлар ва харажатларнинг ҳажмларини уларнинг эътиборига – ўн иш куни ичида етказади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тасдиқланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари:

туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини, шунингдек уларга тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бериладиган бюджетлараро трансфертлар ҳажмларини туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари эътиборига – уч иш куни ичида;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар эътиборига улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини – бир ҳафталик муддатда етказади.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тасдиқланганидан кейин туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар эътиборига улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмларини бир ҳафталик муддатда етказади»;

25) **108-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **118-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, унда бу турдаги даромад Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади»;

27) **119-модда**:

**биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган маблағлар»;

**олтинчи хатбошиси еттинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушадиган маблағларнинг миқдорлари қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

28) **134-модданинг биринчи қисмидаги** «маблағлар» деган сўз «маблағлар, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **135-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) **136-модда иккинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) **137-модда учинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) **$138^1$-модда иккинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда»;

33) қуйидаги мазмундаги **$138^2$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$138^2$-модда. Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар**

Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар қайтарилмаслик шарти билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларининг тегишли даромадлар прогнозларидан ошган қисмини қоплаш учун берилади.

Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг миқдорлари:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига – Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда;

(Давоми 5-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ

# Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 3, 4-бетларда).

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар тасдиқланаётганда белгиланади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини, қуйи турувчи бюджетларнинг даромадлари прогнозларининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди»;

34) **140-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт (бюджет ссудаси) бюджет манбаларининг тўлиқ сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопланишини таъминламаган тақдирда, қайтариш шарти билан фоизсиз ёки фоиз тўлаш шарти билан берилади.

Бюджет ссудаси:

бир молия йилида прогноз қилинган даромадлар ва режалаштирилган харажатлар ўртасидаги режали вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун – тўққиз ойгача бўлган муддатга фоизсиз асосда;

даромадлар тушумлари ва харажатларни амалга ошириш ўртасида кутилаётган вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун – бир молия йили ичида олти ойгача бўлган муддатга фоизсиз асосда ҳамда бир молия йилидан ортиқ, аммо уч молия йилидан ортиқ бўлмаган муддатга йиллик икки фоизли миқдорда берилади.

Режали бюджет ссудаси даромадларнинг прогноз қилинган тушумлари, назарда тутилган бюджетлараро трансфертлар, айланма касса маблағларидан ва йил бошидаги эркин қолдиқлардан вақтинчалик маблағ жалб қилиш, тегишли тасдиқланган бюджетларда назарда тутилган айрим чоракلардаги харажатларнинг қопланишини таъминламаган ҳолларда берилади.

Бюджет ссудаси:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан – туманлар ва шаҳарлар бюджетларига уларнинг даромадлари ҳамда харажатлари ўртасидаги режали ёки кутилаётган вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун берилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига даромадлар тўлиқ тушмаган ёки уларнинг молия йили учун тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатларни муддатидан олдин амалга ошириш зарурати юзага келган, тегишли бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатлаштириш бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш бюджет ссудаси ажратилиши учун асос бўлиши мумкин.

Ажратиладиган бюджет ссудаларининг миқдорлари келгуси молия йили учун алоҳида чоракларидаги даромадлар ва харажатлар ўртасида юзага келадиган режали вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун тегишли бюджетнинг йиллик режали даромадлари ҳамда харажатлари ҳар чоракда қайта тақсимланаётганда белгиланади.

Бюджет ссудаларини беришнинг мажбурий шарти улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш, шунингдек бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатга мувофиқ уларни ўз вақтида қоплашдан иборатдир.

Бюджет ссудаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг, давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи орган раҳбарининг бюджет ссудасига бўлган эҳтиёжни асословчи ҳисоб-китоблар илова қилинган сўрови асосида берилади.

Бюджет ссудаси олиш тўғрисидаги сўровда сўралаётган бюджет ссудасининг миқдори ва у сўралаётган давр, шунингдек бюджет ссудасини қайтаришнинг кафолатланган манбалари кўрсатилади.

Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқишда молия органи қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва ҳисоб-китобларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Тақдим этиладиган ахборот ва ҳисоб-китобларда касса узилиши сабабларининг қуйидаги батафсил таҳлили келтирилади:

а) тегишли бюджетнинг йил бошидан охирги ҳисобот давригача бўлган ижроси тўғрисидаги ахборот;

б) ҳисобот даври учун касса узилишларининг юзага келишига сабаб бўлувчи даромадларнинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари;

в) солиқ тўловлари бўйича бюджет олдидаги қарздорлик миқдори ва унинг шаклланиш сабаблари, ҳудуд бўйича қарздорликнинг ўсиб бориши;

г) тегишли давр учун бюджетда назарда тутилган бюджет таснифининг тегишли кодлари бўйича биринчи навбатдаги харажатлар миқдори;

д) кутилаётган даромадлар тушуми, шу жумладан солиқ турлари бўйича ва тегишли ҳисобот даври учун кутилаётган харажатлар;

е) касса узилиши юзага келиши сабабларининг изоҳи, сўровнинг асосланганлиги ва бюджет ссудасининг ўз вақтида қайтарилишини таъминловчи чора-тадбирлар режаси.

Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги мурожаат тегишли молия органи томонидан мурожаат олинган санадан эътиборан беш иш куни ичида кўриб чиқилади ва унинг натижаси тўғрисида мурожаат этувчига хабар қилинади.

Бюджет ссудасини олиш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқиш натижаси ижобий бўлган тақдирда тегишли молия органи бир иш куни ичида аризачини ажратиладиган бюджет ссудасининг миқдори, уни ажратишдан мақсад ва белгиланган қайтариб бериш муддатлари тўғрисида хабар қилади.

Бюджет ссудасини бериш рад этилган тақдирда тегишли молия органи бир иш куни ичида бюджет ссудаси бериш рад этилганлиги тўғрисида аниқ сабаблар ва асосларни кўрсатган ҳолда аризачига хабар қилади.

Ахборот ва ҳисоб-китоблар тақдим этилмаган ёки тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда бюджет ссудасини олиш учун сўров кўриб чиқилмайди ҳамда бюджет ссудасини бериш рад этилганлиги тўғрисида аризачига икки иш куни ичида хабар қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бериладиган бюджет ссудасини ажратиш учун тақдим этиладиган ахборот ва ҳисоб-китоблар:

ҳудудий молия органлари ва давлат солиқ бошқармалари томонидан тайёрланади ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ёки уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан имзоланади;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан тайёрланади ва уларнинг раҳбарлари томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бюджет ссудасини ажратиш учун тақдим этиладиган ахборот ҳамда ҳисоб-китоблар туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ёки уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг, давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи орган раҳбарининг сўровини кўриб чиқиш натижалари бўйича беш иш куни ичида қуйидагилардан:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги қарор – Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги қарор – тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари томонидан қабул қилинади.

Бюджет ссудасини ажратиш бюджет ссудасини бераётган молия органи ва бюджет ссудасини олувчи молия органи (давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи орган) ўртасида тузиладиган бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартнома билан расмийлаштирилади.

Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини олувчида уни белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш имкониятини истисно этадиган молиявий қийинчиликлар юзага келган ҳолларда амалга оширилади.

Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини бериш учун ушбу моддада белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Бюджет ссудаларини қайтариш муддатлари келгуси молия йилига узайтирилганда, бюджет ссудаларининг қайтарилмаган қисмидан йиллик икки фоиз миқдорида тўлов белгиланади ва бюджет ссудалари қайси тегишли бюджетлардан берилган бўлса, ўша бюджетларга йўналтирилади.

Бюджет ссудасини олувчи тегишли молия органига бюджет ссудасини тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги сўров билан уни тўлаш муддати тугашидан камида беш иш куни олдин мурожаат қилади.

Бюджет ссудасини тўлаш бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда:

маблағларни ўтказиш;

қуйи турувчи бюджетларга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши лозим бўлган бюджетлараро трансфертлар эвазига ўзаро ҳисобга олиш;

иш ҳақини тўлаш, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, стипендиялар, пенсиялар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва нафақалар тўлаш харажатлари қопланганидан кейин қуйи турувчи бюджетларнинг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобвараҳларидан маблағларни сўзсиз ундириб олиш йўли билан амалга оширилади»;

35) **141-модда иккинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **142-модданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш манбаси аниқ бўлмасдан бошланган тадбирларни молиялаштиришга ва (ёки) параллель лойиҳалаштириш, тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширилган қуриш ва таъмирлаш ишларини молиялаштиришга»;

**бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

37) **143-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларни уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан кўпайтириш, уларнинг ўрнини қоплаш манбалари мавжуд бўлган тақдирда, Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

38) **145-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига» ва «мақсадли маблағлар» деган сўзлар тегишинча «биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларга» ва «қайта тақсимланадиган маблағлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағларни ажратиш ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларни қайта ташкил этиш Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

39) **163-модданинг**:

**иккинчи қисми** «раҳбари» деган сўздан кейин «ёки у ваколат берган шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**ўн иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

40) **166-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросининг балансини;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармаларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларини;

давлат мақсадли жамғармалари номолиявий активларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармаларининг миллий ва чет эл валютасидаги пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига таҳлилий мақсадлар учун давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган муддатларда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар тақдим этади»;

41) қуйидаги мазмундаги **$166^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$166^{1}$-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартиби**

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳар чорак якунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар ўзининг расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида бюджет маблағларининг тақсимоти;

даврий молиявий ҳисоботлар;

давлат мақсадли жамғармаларидан субсидиялар ва кредит олувчилар;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.

Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг расмий веб-сайтлари мавжуд бўлмаган тақдирда улар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотни жойлаштиради.

Давлат молиявий назорат органлари молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни, ҳар чорак якунларига кўра эса назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва ижобий натижалар ҳақидаги маълумотларни чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ҳамда хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Маълумотни ушбу модданинг биринчи – тўртинчи қисмларида кўрсатилган тегишли ташкилотларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

42) **168-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар Кенгашлари тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга»;

43) **169-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ўзларига ажратилган бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

44) **190-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«190-модда. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш**

Молия органларига бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузишдир»;

45) қуйидаги мазмундаги **$190^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$190^{1}$-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш**

Маълумотнинг ушбу Кодекс $166^{1}$-моддасида назарда тутилган муддатлар бузилган ҳолда тегишли ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида мавжуд эмаслиги, тўлиқ жойлаштирилмаганлиги ва (ёки) жойлаштирилмаганлиги бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузишдир».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги** 279–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–404-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 124-модда) **22-моддасининг олтинчи қисмидаги** «ташкилотларининг» деган сўз «ташкилотларининг, бюджет маблағларини олувчиларнинг ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 2-банди 2021 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 декабрь
№ ЎРҚ—660

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб **ижтимоий солиқ тушумлари қуйидагича тақсимланади**:

а) бюджет ташкилотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 99,2 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига — 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 98,4 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига — 0,8 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,8 фоиз.

5. Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган **йирик солиқ тўловчилар рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидаги солиқ турлари бўйича **даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми** тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида қолдирилсин:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

қўшилган қиймат солиғи (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно);

фойда солиғи (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно).

Бунда, солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно) инобатга олинади.

Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2020 йил 4-чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2021 йил январь ойида амалга оширилади ва 2020 йил учун ҳисоботларда акс эттирилади.

7. 2021 йил учун олтиндан ясалган **заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим** миқдори 1 граммига 1 000 (бир минг) сўм миқдорида сақлаб қолинсин.

8. Белгилансинки, 2021 йилда Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирганлик учун жарима солинмайди.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларнинг ҳар йиллик, микрофирма ва кичик корхоналар учун 3 йиллик **мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинсин**.

10. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

"Навоий кон-металлургия комбинати" ДК ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖга **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси** олтин, палладий, кумуш ва мис бўйича 15 фоиз миқдорида;

рентабеллик даражасидан келиб чиқиб "Навоий кон-металлургия комбинати" ДК ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ учун **фойда солиғи ставкалари** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари **айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ **фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси:

мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини таъминласин ва мониторингини юритсин;

ҳисобот чораги якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасига қадар мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш ҳамда кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот бериш учун Молия вазирлигига киритсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини баҳолаш вазирлик ва идораларнинг Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги 2022 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимини жорий қилсин ҳамда 2022 йил учун Бюджетномада акс эттирсин.

Ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида ички аудит хизматларини жорий қилсин.

13. Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги, "Ўздаверлойиҳа" илмий-лойиҳа институти, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 апрелгача қишлоқ хўжалиги ерлари бор юридик шахслар, жумладан, деҳқон хўжаликларига ерларни солиққа тортиш учун норматив қийматини етказсин.

Молия вазирлиги:

а) 2021 йил 1 апрелга қадар:

Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш тартибини;

Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида янгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2021 йил 1 июлга қадар Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари бўйича харажатлар сметаларини, шунингдек, ушбу жамғармалар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

16. 2021 йил 1 январдан Молия вазирлиги ҳузуридаги **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилсин**, жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисми ҳамда жамғарманинг жорий йил охирига қолдиқ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши таъминлансин.

Белгилансинки, 2021 йилда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари доирасида молиялаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978-сон Фармонига 1-иловада назарда тутилган товарларни (оқ ва бошқа шакардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда **божхона божининг ноль ставкаси 2021 йил 31 декабрга қадар қўлланилсин**.

22. Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида белгиланадиган дастурларда иштироки натижасида 2021 йил 1 январдан бошлаб олинган бонуслар, мукофотлар кўринишидаги пул тўловларининг жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Давлат солиқ қўмитасига 2021 йилда ажратилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6098-сон Фармонида кўзда тутилган онлайн назорат-касса машиналарининг чеклари асосида совринли ўйинларни 2021 йилда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга рухсат берилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2021 йил 1 январдан 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 декабрь

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси:

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

1 Шунингдек, 600 мингдан зиёд ватандошимиз хориждан олиб келинди ва чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Биз биргаликда пандемияни чекинишга мажбур қилдик. Президентимиз таъбири билан айтганда: **“Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз”.**

Мурожаатномада келтирилганидек, жорий йилги Давлат дастурига кўра, янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислоҳотлар барча соҳаларда изчил давом эттирилди. Шу саъй-ҳаракатларимиз туфайли Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликларининг қайд этишича, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қола билди.

Илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилгани, республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилгани, биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станцияси қурилгани, пойтахтимизда 2 та янги метро станцияси ҳамда илк бор 18 километрлик ер усти метроси ишга туширилганлигининг ўзиёқ 2020 йил фахрланишга арзигулик воқеаларга бой бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Бундай ижобий ишлар қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, жумладан, ер майдонларини тўлиғича хусусий кластер ва кооперацияларга бериш, мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик йўналишларида ҳам кузатилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ривожида катта ўрин тутадиган тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш ҳам доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Мурожаатномада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларга ҳам кенг урғу берилиши бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг меҳварида одамларни бугунги кундан рози қилиш, улар эртага эмас, айнан бугун бахтли бўлишлари учун шароитлар яратиб бериш мақсади ётибди.

Бу ҳақда гап кетганда, энг аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлиги биринчи марта эътироф этилиб, уни қисқартиришга қаратилган ишлар тизимли равишда йўлга қўйилганлигини айтиш даркор. Ҳеч кимга сир эмас, барча туман ва шаҳарлар, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш мақсадида “темир дафтар” тизими жорий қилиниб, оз фурсатда 527 минг фуқаро бандлиги таъминланди. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ва кўпгина чекловлар бекор қилиниши боис 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Шуларга мос ҳолда жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилди, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 60 фоизга етди, боғчалар сони 3 баробарга кўпайтирилди.

Энди шулар қаторига олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсгани, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етгани, эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилингани, йил давомида судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлангани, жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилгани, 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилгани ҳамда “Меҳр-3” операцияси туфайли Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга олиб келинганини қўшсак, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ишлар кўлами қанчалик кенглигини тасаввур этиш мумкин бўлади.

Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очиқ ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Мурожаатнома яна шуниси билан ҳам аҳамиятли бўлдики, унда эришган ютуқ ва натижаларимиз тилга олиниши баробарида, янги йилда олдимизда турган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Албатта, бу вазифаларни **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган ғоя атрофида барчамиз бирлашган ҳолда амалга оширамиз.

Аввало, буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг **“Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин”**, деган чуқур маъноли фикрларидан келиб чиқиб, жамики имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида тўплаган бой тажрибамиз, хорижнинг илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятимизни ишга соламиз. Бу борада Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ташаббуси йўлчи юлдуз бўлади. Бу йўлда бизга таълим-тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш мақсадимизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилади.

**“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилади.

Қисқаси, янги йилда фарзандларимиз камолоти йўлида амалга ошираҗак ишларимиз мўл.

Давлатимиз раҳбари 2021 йилга мамлакатимизда **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”** деб ном беришни таклиф этаркан, ана шу мақсадни кўзлаганликлари аниқ.

Келгуси йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши кураш тизимли равишда давом эттирилади. Бунинг учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Бу маблағлар ҳисобидан аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади. Айни чоғда санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техника базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар сарфланади.

### Эътироф:

- *Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади,*
- *“Иқтисодий эркинлик” рейтингида ҳам мамлакатимиз 26 поғона кўтарилди,*
- *АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилди.*

Она ва бола саломатлиги йўлида келаси йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул берилади. Тиббиёт бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизмат сифатини кўтариш чоралари кўрилади. Умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат **“тиббий бригадалар”** ташкил этилади. Қолаверса, маҳаллаларда 5 ёшгача бўлган болалар ҳамда туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги борлар, қон томир, онкологик ва эндокрин каби касалликларга мойиллиги мавжуд фуқаролар билан ишлашнинг янгича тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, “қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан зиёд врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилиши ва улар хизмат уйлари билан таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг аҳоли саломатлигини таъминлашдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ва мактабни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 100 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари қурилади.

Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини жонлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳам келаси йилдаги муҳим вазифаларимиздандир. Бунинг учун бюджетдан 420 миллиард сўм ажратиш кўзда тутиляпти. Жумладан, ҳудудларда 22 та театр ва маданият объекти қурилади ва реконструкция қилинади. Қатор маданият ва санъат муассасалари таъмирланади, бир қатор шундай объектлар барпо қилинади.

Шу ўринда кўп йиллар давомида ўтказиб келинган, аммо айрим сабаблар билан тўхтаб қолган Тошкент халқаро кинофестивали “Ипак йўли дурдонаси” — Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта ташкил этилишини ҳам айтиш жоиз.

Мурожаатномада сўнгги тўрт йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташлангани ва эндиликда барқарор ўсиш пойдеворини яратиш вазифаси ҳам илгари сурилди. Шу мақсадда камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усуллар жорий этилади, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилиш ишлари жадаллаштирилади, товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва тадбиркорларга хом ашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш чоралари кўрилади, рақобатдош саноат занжирини яратиш ва бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади, инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик чораси кўрилади, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

Шу билан бирга, айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини бузиш ҳолларини учраётганидан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатини Бизнес-омбудсманга бериш таклифи илгари сурилдики, бу тадбиркорлар манфаатларини ҳимоялашда қўл келади.

Барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари илк бор 2020 йил бошида ўз зиммасидаги мажбурият ва режалари ижроси ҳақида маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилди. Бу ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу амалиёт ҳамма жойда ҳам ўзини оқлаяпти, деб бўлмайди. Шу маънода янги йилда ушбу тизимни янада кучайтиришимиз талаб этилади.

Келгуси йилда аҳоли ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади. Масалан, ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқичма-босқич ўтилади, муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилади, эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бобидаги ишлар янада кенгайтирилади. Ўз навбатида, янги экспорт бозорларига чиқиш ҳам энг устувор вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Мурожаатномада хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар натижасида парламентимиз янги таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлгани алоҳида эътироф этилди.

Энди хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишда уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини ташкил этиш шахсан давлатимиз раҳбари томонидан таклиф қилинди.

Кенгашга раҳбарлик қилиш бизга ишониб топширилди. Бу парламент юқори палатаси учун катта масъулият ҳамда ишончдир. Зеро, аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва уларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Бунинг учун “Халқ банки” томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади.

Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари хусусида ҳам анжуманда илиқ гаплар айтилди. Бу эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларга ёқмаслиги, улар фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилаётгани ҳам таъкидланди. Юқори палата ҳар доим журналистлар ва оммавий ахборот воситалари учун очиқ бўлган. Бундан буён ҳам ҳар бир давлат органи қаторида кундалик фаолиятимизда оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мурожаатномани тингларканмиз, 2020 йил давомида эришган ютуқ ва натижаларимиздан фахрландик ва келаси йилда олдимизда турган вазифалар кўламидан келиб чиқиб, ўзимизга улкан масъулиятни ҳис этдик. Ана шу вазифаларни биргаликда уддаласак, мамлакатимиз янада тараққий этади, юртдошларимиз янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайди. Зеро, давлат раҳбари бошчилигида олиб борилаётган туб ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шундан иборатдир.

Умуман, Мурожаатнома барчага, жумладан, Олий Мажлис Сенати зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, кейинги йилларда маҳаллий Кенгашлар ва парламент палаталарига кўплаб ваколатлар берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Президентимиз томонидан халқ вакилларига юксак ишонч билдирилаётганидан далолат беради.

# ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимиз тараққиётини кафолатлаш, халқимиз яшаш тарзи, турмуш даражасини янада юксалтириш, сўнгги йилларда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга оид кўплаб ҳаётий таклифлар, эзгу ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари дастуриламал ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилдилар.*

## Акс садо

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:**



— Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси барча юртдошларимиз, кенг жамоатчилик ҳамда халқаро кузатувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқи аввалида жорий йил давомида инсоният бошига келган улкан синов — коронавирус пандемияси ва унинг халқимиз турмуш тарзига таъсири ҳақида тўхталиб, юртдошларимиз бу қийин кунлардан ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамлик билан ўтиб келганлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу йил пандемия шароити юзага келтирган глобал иқтисодий инқироз даврида ҳам халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, оқилона ижтимоий-иқтисодий сиёсат туфайли Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига ўзбек халқи нималарга қодирлигини кўрсата олди.

Президентимиз Мурожаатномада 2020 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби билан бирга келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни уларнинг молиявий манбаларини кўрсатган ҳолда белгилаб берди.

Ўз навбатида, аҳоли саломатлиги йўлида олиб борилган улкан ишлар 2021 йилда ҳам давом эттирилиши йил номида ҳам ўз аксини топди. Бу, айниқса, жойлардаги ўрта бўғин раҳбарлари зиммасига жуда катта масъулият юклашини давлатимиз раҳбари яна бир бор эслатиб ўтди.

Айни чоғда Мурожаатномада биз депутатларга ҳам бир қатор вазифалар юкланди. Хусусан, эндиликда депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳududдаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, назорат қилиб боради.

Шу нуқтаи назардан, Мурожаатномада таъкидландики, келгусида бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади. 2021 йил бошидаёқ ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ва ташкил этади. Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллада амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади.

Бу вазифани бажаришда эса ижро ҳокимиятининг барча даражадаги раҳбарлари ва депутатлик корпуси вакилларининг ҳамкорлиги катта аҳамият касб этади.

**Барно МИРЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси:**



— Маълумки, қишлоқ хўжалигида муаммолар кўп учрайди. Баъзан табиат инжиқликлари сабаб қилиб кўрсатилади ёки уруғ сифатсизлиги, ер унумдорлиги пастлиги туфайли белгиланган миқдордаги ҳосил олинмай қолади. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда тўхталиб, ердан белгиланган ҳосилни олиш, берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш учун деҳқон ва фермерларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ерга муносабатини ўзгартириш зарурлигига тўхталиб ўтди.

Келгуси йили барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилиши айни деҳқон дилидаги гап бўлди. Чунки бу марказлар зиммасига ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғликларни танлашда деҳқонга кўмаклашиш вазифаси юклатилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилиниши айтиб ўтилди. Албатта, илгари қишлоқ хўжалигига бу қадар катта эътибор қаратилмаган эди. Ёки сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилиши, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиши мисолида янги бир тизим пайдо бўлаётганини кўряпмиз.

Бу нималарда кўриняпти? Истаймизми, йўқми, яна бир неча йиллардан сўнг деҳқону фермерларимиз сув тежаш технологиялари, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш ускуналарини излаб қолиши бор гап. Сабаби сув танқислиги кейинги йилларда жуда сезилиб қоляпти. Шунинг учун ҳам ўзини шу юртнинг фарзанди, деб билган ҳар бир инсон бу гаплардан хулоса чиқаради, имкониятлардан унумли фойдаланиш учун белни маҳкам боғлаб ишга киришади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишда биз, депутатлар ҳам астойдил иш олиб борамиз.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:**



— Эътибор берилса, Мурожаатноманинг кўлами, соҳаси, қамрови ва йўналишлари сони йилдан-йилга ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Давлатимиз раҳбари бу йил ҳам ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, қурилиш, ташқи сиёсат каби кўплаб соҳалар ва уларнинг кичик-кичик йўналишларида муҳим вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сир эмаски, иқтисодий ўсиш камбағалликни қисқартиришда муҳим омил бўлади. Президентимиз бу борада ностандарт усуллардан ҳам фойдаланиш кераклигини таъкидлади.

Эътиборлиси, фақат кредит ажратиш, бирон-бир моддий ёрдам бериш камбағалликдан чиқаришда ечим бўлмаслиги, бунга комплекс ёндашув, яъни таълим ва бошқа инфратузилма кераклиги айтилди. “Темир дафтар”дан чиқиш учун инсонда интилиш, ғоя, фикр ва мотивация уйғотсак, мақсадга эришиш мумкинлиги қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, кўп нарса кишининг интилишига боғлиқ. Давлат томонидан имтиёзлар берилади, шароит яратилади, одамларнинг ўзида ишлашга хоҳиш, ҳаракат бўлмаса, барчаси бесамар кетади. Илғор ғояларга эга, ўз иши учун, иш бошлаш учун куйиб-пишадиган, жўшиб турадиган одам ўзига ҳам, оиласига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтиради.

Қайд этилганидек, 2021 йилнинг март ойидан аҳолининг минимал истеъмол харажатлари ишлаб чиқилади. Бу борада меъёр ўрнатилиши, ҳуқуқий тизим пайдо бўлиши аҳолининг турмуш даражаси ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Умуман, Мурожаатнома асосида кейинги йиллардаги асосий режаларни белгилаб олдик. Эндиги вазифа — унинг ҳаётда ўз аксини топиши учун фаол иштирок этишдир.

**Фарҳод ЗАЙНИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси:**



— Кейинги йилларда қулай инвестициявий муҳит яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётган бўлса-да, кўплаб соҳаларда давлат улушининг сақланиб қолаётгани рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва албатта, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилаётган эди.

Президентимиз Мурожаатномада ана шу муҳим масала — давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланишича, янги йилдан бошлаб, Навоий тоғ кон-металлургия комбинати, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзавтосаноат” корхоналарига халқаро молия бозоридан давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имконияти берилади. Стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқ трансформация қилиниб, давлат улуши бўлган корхоналар сони икки йил ичида камида 3 баробарга қисқартирилади.

Шу ўринда нефть-газ ва энергетика соҳасида амалиётга жорий этилаётган йирик лойиҳалар якунига етказилиб, табиий газ таъминотида монополия бекор қилинади. Шунингдек, суюлтирилган газ бозорида хусусий сектор иштирокининг кенгайтирилиши ҳамда электр энергияси улгуржи бозорининг шакллантирилиши натижасида иқтисодиётда соғлом рақобат муҳит яратилади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бундай ташаббуслар яқин келажакда мамлакатимизда кучли, барқарор ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш имконини беради, албатта.

**«Халқ сўзи».**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида
# АХБОРОТ

1 Шу билан бирга, халқ билан мулоқот ва жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар қайд этилди. Ушбу йўналишда аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали тизимини яратиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизларни, жумладан, мураккаб ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш бўйича вазифалар ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини 2021 йил 6 январь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтадиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳокама қилиниши назарда тутилган.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлис Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишлайдиган сенатор А. Тўйчиевнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси кузатувчилар миссияси таркибида Қирғизистон Республикаси Президентлигига муддатидан олдин бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этиши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Сенати**
**Ахборот хизмати.**

# МУРОЖААТНОМА — МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

1 Партия ва унинг парламентдаги фракцияси пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз оёққа туриб олишлари учун уларга кўмак беришни давом эттириш тарафдори. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши партия электорати бўлган тадбиркор ҳамда ишбилармонлар учун ҳақиқатан кутилмаган воқелик бўлди.

Қайд этилдики, партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида ва жамоатчилик ўртасида Президентимиз Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини кенг ўрганиш, дастуриламал ҳужжатда белгилаб берилган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишларда қуруқ тадбирбозликдан, умумий гаплардан қочиш, кўпроқ масаланинг моҳиятини очиб беришга эътибор қаратиш зарур.

Йиғилишда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилгани партия зиммасига улкан масъулият юклаши таъкидланди. Бу борада партия ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратади.

— Халқимиз давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ҳар йили катта қизиқиш билан кутади, — дейди парламент қуйи палатаси депутати Абдулло Аслонов. — Бу галги Мурожаатнома том маънода, мамлакатни янада юксалтириш, тараққиётини таъминлашга қаратилди, десак, янглишмаймиз. Айниқса, жорий йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном берилиши ҳақиқатан тарихий воқелик бўлди. Зотан, ҳар бир давлат ривожи, келажаги ёшлар билан боғлиқ.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ЎзЛиДеПнинг ишчи дастури режаси тасдиқланди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

“Mahalla” нашриёт-матбаа уйи” масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият ходими Носир Ҳайдаровга отаси

**ФАЙЗУЛЛА ОТАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6